



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIBLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA  
JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATI**

**SANITARIYA, GIGIYENA VA KASB KASALLIKLARI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

**SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIKNI  
TA'MINLASH VA AHOLI SALOMATLIGINI MUHOFAZA  
QILISHNING DOLZARB MUAMMOLARI**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANNING**

**TEZISLAR TO'PLAMI**

**Tibbiyot fanlari doktori, professor  
R.T. KAMILOVA ning  
umumiyl tahririyati ostida**

**Toshkent - 2022**

---

<b>Башарова Л.М.</b>	
Гигиеническая оценка домашнего питания детей дошкольного возраста в будние и выходные дни .....	23
<b>Башарова Л.М.</b>	
Недельный рацион домашнего питания детей дошкольного возраста .....	24
<b>Зарединов Д.А., Кодиров Д.А., Исраилова Г.М.</b>	
Соя ва соя махсулотларининг радионуклид таркибини гигиеник асослаш .....	25
<b>Ибадова Г.А., Мусабаев Э.И., Ражабов И.Б., Кадырова Н.Э., Байназаров М.</b>	
Возможности отечественного препарата рутан при лечении COVID-19 у детей .....	27
<b>Исакова Л.И., Атаниязова Р.А., Камилова Р.Т., Усманова М.И., Ташибаев Н.С.</b>	
Характеристика условий проживания населения .....	28
<b>Искандаров Т.И., Романова Л.Х.</b>	
К вопросу о токсичности комплексного удобрения «Uni-agro» .....	30
<b>Iskandarova G.T., Abdullaev M. A.</b>	
To the problem of latex allergy in medical workers .....	32
<b>Искандарова Г.Т., Ташипулатова М.Н., Самигова Н.Р.</b>	
Фармацевтика корхонасининг иш жойлари ҳавосида чангланганликни гигиеник баҳолаш .....	33
<b>Искандарова Г.Т., Юсупхўжаева А.М.</b>	
Юза фаол моддалар очиқ сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манба сифатида .....	35
<b>Исмайлова М.Б., Отажонов И.О., Файзибоев С.С.</b>	
Буйрак касаллиги бўлган беморлар овқат рационидаги нутриентлар таҳлили .....	36
<b>Исмадиярова З.Д., Хамрокулова М.А., Мирджсураев Э.М.</b>	
Касбий кохлеар невритни даволашда гирудотерапиянинг самараси .....	38
<b>Кадирова Н.Р.</b>	
“Фавқулотда вазият”нинг узок муддатли шароитида мигрантлар орасида оив инфекцияси эпидемиясининг ўзгариш хусусиятлари .....	39

---

---

**Хулоса.** Чиқинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддаларни камайтириш ва миқдорини гигиеник меъёрлар даражасига келтиришда Салар ва Бозсу аэрстанциялардаги биологик тозалаш иншоотларининг роли бекиёсdir. Биологик тозалаш иншоотларидан аэротенклар чиқинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддаларни биохимиявий оксидлаш натижасида камайтиради. Натижада чиқинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддалар миқдори гигиеник меъёр Санитар Қоида ва нормативлари 0318-015-сонли талабларига мос келади. Биологик тозалаш иншоотларини сунъий юза фаол моддалар миқдорини камайтириш бўйича самарадорлигини оширишда коагулянтлардан фойдаланиш, ёки чиқинди сувни активлаштирилган кўмирли фильтрдан ўтказиш сунъий юза фаол моддалар миқдорини янада камайтирган бўлар эди.

## **БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР ОВҚАТ РАЦИОНИДАГИ НУТРИЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Исмайлова М.Б., Отажонов И.О., Файзибоев С.С.  
Тошкент тиббиёт академияси*

**Кириш.** Энг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг шаклланишида ва ривожланишида саломатлик учун хавф омиллари ҳисобланган хулқ-атвор, биологик, ирсий, ижтимоий, экологик ва касбий хавфли омиллар касалликларга чалиниш эҳтимолини оширади, уларнинг ривожланиши ва салбий оқибатларга олиб келишида катта рол ўйнайди. Тўғри овқатланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиб, алоҳида ва жамоавий гурухларининг саломатлик ҳолатини белгиловчи омил сифатида эътироф этилади. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, шу жумладан жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, чекишни ташлаш, қон босимини, қондаги глюкоза ва оқсил миқдорини назорат қилиш буйрак касалликлари ривожланишини камайтиришга ёрдам берадиган муҳим омиллардир.

Одатда буйрак касаллиги бўлган bemорлар учун овқат рационы таркибидаги оқсил қунига 1 кг тана вазнига 0,6 г бўлиб, уларнинг камида 50%и тухум, балиқ ва гўшт каби юқори биологик қийматга эга бўлган маҳсулотлардан ташкил топган бўлиши керак. Кунлик қувватмандликнинг асосий қисми углеводлар (умумий қувватмандликнинг 55-60%) ва ёғлар (умумий қувватмандликнинг 30-35%) ҳисобига тўлдирилиши керак. Оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотларини (сут ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари) чекланиши ҳисобига ушбу парҳезда одатда фосфор (кунига 600-800 мг), натрий (кунига 2-3 г) ва калций кам бўлади.

**Илмий ишнинг мақсади** экологик нохуш шароитда истиқомат қиладиган буйрак касаллиги бўлган bemорлар оват рациоnidаги нутриентларни баҳо беришдан иборат.

---

Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қиладиган буйрак касаллиги бўлган 50 нафар (эркаклар – 22 нафар ва аёллар – 28 нафар) беморларни овқат рациони ўрганилди. Маълумотларни йифиш учун анкета-сўровнома ёрдамида маълумотлар йифилиб, қиши-баҳор мавсумидаги овқат рационидаги нутриентлар таркиби таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижасида олинган маълумотларни** таҳлилида истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини нутриент таркибини таҳлил қилганимизда, қиши-баҳор мавсумида эркаклар овқат рационида умумий оқсил 48,1 г бўлиб, аёлларда эса 49,8 г бўлган. Овқат рационида ҳайвон оқсили, жинсга мос равища, 22,6 ва 24,8 г ташкил қилган. Ҳайвон оқсилиниң асосий манбалари гўшт ва сут маҳсулотлари бўлса, ўсимлик оқсили манбалари нон ва ёрмалар ҳисобланади. Кунлик овқат рационида ёғлар 56,6 ва 53,6 г бўлган. Инсон организмини углеводлар билан сифат ва миқдор жиҳатдан етарли даражада таъминлаш муаммоси алоҳида эътиборга лойиқdir. Овқат рационида углеводлар 278,4 ва 264,7 г. ни ташкил қилган. Озиқавий қийматга эга бўлган макронутриентлар (оқсил, ёғ, углевод) нисбати меъёрда 1:1:4 бўлиши керак, ҳақиқатда эса эркак жинсидаги bemorlarда бу нисбат 1,0:1,2:5,8; аёлларда эса 1,0:1,1:5,8 бўлган. Таъкидлаш жоизки, ёрмалар, дуккакли ва нон маҳсулотлари ҳисобига овқат рационида ёғ ва углеводларни миқдори оқсилга нисбатан кўпроқ эканлиги кузатилган.

Беморлар ёрмаларни меъёрдан кўп истеъмол қилишган бўлсада, кунлик овқат рационидаги микронутриентлар (минерал элементлар ва витаминлар) таҳлили шуни кўрсатдики, эркакларда кальций миқдори 578,6 ва 566,7 г бўлган бўлса, фосфор ва магний миқдори мос равища 814,9-835,1 ва 234,9-236,4 г эканлиги аниқланди. Темир моддаси жинсга мос равища 7,4 ва 8,7 г ни ташкил қилди. Шу ўринда овқат рационидаги Ca:P (меъёрда 1:1,5 ёки 1:2) ва Ca:Mg (меъёрда 1:0,5) нисбатига ҳам баҳо бериб ўтиш лозим, чунки организмга кальций элементини сўрилишида бу иккита элемент билан бўлган нисбат катта аҳамиятга эга.

Илмий изланиш олиб борилаётганда bemorlar овқат рационида Ca:P нисбати эркакларда 1:1,4; аёлларда 1:1,5 ни такшил қилган бўлса, Ca:Mg нисбати иккала жинс вакилларида ҳам 1:0,4 эканлиги аниқланди.

Буйрак касаллиги бўлган bemorlarning кунлик овқат рациони таҳлилида A ва C витаминлари меъёрга нисбатан кам эканлиги аниқланди, маълумки, бу витаминлар кучли антиоксидантлик хусусиятига эгадир. Эркак bemorlar овқат рационида C витамини 45,6 г, аёлларда эса 36,0 г; A витамини мос равища 456,2 ва 321,1 мкг эканлиги кузатилди. Витамин B<sub>1</sub> эркакларда 0,83 г; аёлларда 0,82 г; витамин B<sub>2</sub> мос равища 0,60 ва 0,62 г бўлган. Овқат рациони таҳлилида аниқланган A, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, PP ва C витаминларининг кам эканлиги, сабзавот, мева ва тар меваларни етарли миқдорда истеъмол қилинмаганлиги билан боғлиқ.

---

**Хулоса.** Таҳлиллардан олинган натижаларга асосланиб, буйрак касаллиги бўлган bemорлар овқатланиши сифат ва миқдор жиҳатдан пастлиги, овқат рационининг озиқавий ва биологик қиймати, шунингдек қувватмандлигининг етарли эмаслиги, оқсил ва ёғларнинг номутаносиблик билан тавсифланади.

## КАСБИЙ КОХЛЕАР НЕВРИТНИ ДАВОЛАШДА ГИРУДОТЕРАПИЯНИНГ САМАРАСИ

*<sup>1</sup>Исмадиярова З.Д., <sup>1</sup>Хамрокулова М. А., <sup>2</sup>Мирджураев Э.М.*

*<sup>1</sup>ЎзР ССВ Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ*

*<sup>2</sup>ЎзР ССВ Тиббий ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази*

**Кириш:** Қулоқдаги шовқин - эшитиш анализаторининг турли патологияларида асосий, доимий ва кўпчилик ҳолларда энг эрта кузатиладиган симптомларидан биридир. Маълумотларга кўра қулоқдаги шовқин bemорларда ўртacha 82-85%, турли муаллифларнинг кўрсатишларича 16,5% дан 93% гача ҳолларда учрайди. Тоғ-кон саноати асосий касбларида ишловчи ходимлари ишлаб чиқаришнинг турли табиатга эга ва жадалликдаги комплекс таъсирга эга заарли ва хавфли омиллар билан боғлиқ нокулай шароитда фаолият олиб боришади, бу касбий хавф-хатар билан боғлиқ ва энг кўп тарқалган кохлеар неврит каби касб касаллигини ривожланишига олиб келади. Республикамизда касб касалликлари таркибида касбий кохлеар неврит (ККН) дастлабки ўринлардан бирини эгаллади.

Касбий кохлеар невритни олдини олиш, халқ табобати усууларини қўллаш ёрдамида даволашнинг янги усууларини ишлаб чиқиш бугунги тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда ишловчи аҳолининг саломатлигини сақлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

**Максад:** Халқ табобатининг гирудотерапия усулини қўллаш орқали касбий кохлеар неврит ташҳисли bemорларни даволаш усууларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усууллари ва материаллари:** Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (СГКК ИТИ) клиникасига стационар даволанишга ётказилган 40 ёшдан 55 ёшгача бўлган 42 нафар ККН ташҳиси тасдиқланган bemорларнинг текширув ва даволаш натижалари ўрганилди. Текшируvdаги bemорлар 2 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – стандарт даволанишга қўшимча гирудотерапия усули билан даволанган ККН ташҳисли 32 bemор, 2-гуруҳ – ККН ташҳисли стандарт асосида даволанган 10 та bemор. Тадқиқот усууллари сифатида ЭЭГ, РЭГ, клиник-биокимё текшируvдан фойдаланилди.

**Натижалар ва мухокамалар:** 2022 йил январ-июль ойларида СГКК ИТИ клиникасида 42 та ККН ташҳисли bemорлар текширув ва даволанишда бўлди. 1-гуруҳ bemорларда гирудотерапия билан даволанишдан сўнг асосий гурухдаги 26